

ИНТЕРМАТН ВА ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ ХОТИРА (БАҲОДИР ҚОБУЛНИНГ “ОТА ЧИРОҚ” ҲИКОЯСИ МИСОЛИДА)

Сухроб Шавкатович ҲАСАНОВ

ўқитувчи-ассистент

Самарқанд давлат чет тиллар институти

Самарқанд, Ўзбекистон

hasanov.suhrob7219919@gmail.com

Аннотация

Мақолада интерматнли усулда матнлар яралиши универсал моделларининг асар структурасидаги ўрни ва роли талқин қилинган. Шу асосда ўрганувчи поэтиканинг ўзига хослиги, тарихий мерос ва маданий хотиранинг бадиий асар матнида узатиш ва сақлашда интерматнли усулнинг аҳамияти назарий жиҳатдан ёритилган. Интерматннинг халқ маданияти сақлаб келаётган хотира анъаналарига қурилиши, муаллиф ва ўқувчи, муаллиф ва унинг қаҳрамонлари орасидаги генетик хотиранинг умумийлиги Баҳодир Қобулнинг “Отачирик” ҳикоясида қадим аجدодларимиз илоҳий моҳият ҳисоблаган олов образи орқали ифодалаганлиги интерматнли таҳлил асосида далилланган.

Таянч сўзлар: интерматнлик, интерматн, тарихий-маданий хотира, аллюзия, реминисценция, иқтибос.

ВЗАИМОСВЯЗЬ И ИСТОРИКО-КУЛЬТУРНАЯ ПАМЯТЬ (НА ПРИМЕРЕ РАССКАЗА БАХОДИРА КОБУЛА "ОТА ЧИРОК")

Сухроб Шавкатович ҲАСАНОВ

преподаватель-ассистент

Самаркандский государственный институт иностранных языков

Самарканд, Узбекистан

hasanov.suhrob7219919@gmail.com

Аннотация

В статье рассматриваются особенности поэтики, универсальные модели создания текстов интертекстуальным способом на основе осмысления их места и роли в структуре произведения; теоретически обосновано значение интертекстуального метода в передаче и сохранении исторического наследия и культурной памяти в тексте художественного произведения. На основе интертекстуального анализа доказано, что автор строит интертекст на традициях памяти, сохранившихся в народной культуре, что общая генетическая память между автором и читателем, автором и его персонажами выражена писателем Баходиром Кобулом в рассказе «Ота чирок» через образ огня, который наши предки в древности считали божественной сущностью.

Ключевые слова: интертекстуальность, интертекст, историко-культурная память, аллюзия, реминисценция, цитата.

Ҳозирги кунда интерматн, интерматнлик тушунчаларини тадқиқ этиш кенг тарқалди ва бунда адабий матндаги миллий маданий хотиранинг фаоллашуви, асарларнинг бадиий оламида мужассамлашган муаллиф онгининг ўзига хослиги ва бетакрорлиги, ижодий тажрибахонасининг тамойиллари ҳамда усуллари масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Интерматнлик ва интерматн ҳодисаларини хорижий постструктурализм вакиллари Ю.Кристева, Р.Барт, Л.Женни, Ж.Женетт, М.Риффатер, У.Эко, рус олимлари И.В.Арнольд, И.П.Ильин, Ю.Н.Караулов, В.П.Москвин, К.П.Сидоренко, Ю.П.Солодуб, Ю.С.Степанов, Н.А.Фатеева ва бошқалар томонидан кенг тадқиқ этилган. Ўзбек адабиётшунослиги ва тилшунослигида интерматнлик масаласи М.Йўлдошев, Д.Худойбергана, З.Салиева, Д.Анданиёзова, М.Холбеков, И.Азимова, М.Ф.Хомидова каби олимлар ишларида маълум даражада ўрганилган. Матнлараро алоқалар нуқтаи назаридан замонавий адабиётни ҳам, мумтоз асарларни ҳам, шу жумладан, кўп сонли алоқалар ва таъсирлар якқол кузатиладиган миллий адабиётни ҳам махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганиш тақозо этилади. Ёзувчиларнинг бадиий жиҳатдан ранго-ранг, ўзига хос образлари ҳам тарихий ва археологик, ҳам ижодкорнинг бадиий тасаввурига асосланган асарларида тарихий-маданий хотира кўз ўнгимизда гавдалантирилади. Айни вақтда ушбу хотираларнинг умуминсоний маданият билан ўзаро алоқадорлиги ҳам якқол кўзга ташланади. Тили ва тарихи жиҳатидан бирлашган кишилар онгида муайян мазмунга эга матнлар, маданий андозалар, тасаввурлар ва рамзларнинг тўпламлари мавжуд бўлиб, буларнинг ҳаммаси маълум тил ва маданият вакиллариининг маданий хотирасини — оламнинг инвариантли образини ташкил этади. Инвариантли олам образлари бир маданият вакиллари дунёқарашидаги умумий қирраларни тавсифлайди. Маданий хотира соҳаси алоҳида шахсларнинг ҳам, ижтимоий гуруҳларнинг ҳам билимларини, ҳатто жаҳон семиосферасининг универсал матнларини ўзида мужассам этиши мумкин. Шу тарзда интерматнли усулда матнлар яралишининг универсал моделларини уларнинг асар структурасидаги ўрни

ва ролини талқин қилиш асосида ўрганувчи поэтика юзага келади. Бу жараёнда талқин қилувчининг асосий вазифаси кўплаб турли-туман кодларни ўзида сақловчи маданий хотирани қайта тиклашдан иборат бўлади.

Ёзувчи бирор-бир тарихий воқеани ёритишга эмас, балки халқ турмушининг ўзига хослигини тасвирлашга, асарда гавдалантирилаётган даврнинг руҳиятининг талқинига урғу беради. Унинг инжа идроки муаллиф ва қаҳрамонлар маданий хотирасининг кўлами ҳақида хулоса чиқариш имконини беради. Баҳодир Қобул халқнинг тарихи ва турмуши орқали ифодаланган маданиятни яхлит бир бутунликда кўра олишдек ўз назарига эга. Маданий хотирани тадқиқ этиш ёзувчи ва унинг дунёқараши, унинг халқи, маънавий қадриятлари ҳақидаги тасаввурларимизни аниқлаштириб олишимиз учун жуда муҳим ва бу шубҳасиз, муаллиф мазкур асарини яратаётганда мўлжал олган замонавий ўқувчининг асардан кутадиган таъсирини кучайтиради. Шундай қилиб, муаллиф интерматни халқ маданияти сақлаб келаётган хотира анъаналарига қурилади. Муаллиф ва ўқувчи, муаллиф ва унинг қаҳрамонлари орасидаги генетик хотиранинг умумийлигини ёзувчи қадимда аجدодларимиз илоҳий моҳият ҳисоблаган олов образи орқали очиб беради.

Баҳодир Қобулнинг ижодий услуби сифатида интерматнлик аввал яратилган адабий ва фольклор бадиий тажрибаларига мурожаат қилиш йўли билан ўқувчида матннинг ўзига хос идрокини шакллантиради. Муаллиф бу ўринда ўз ижодини олдин яратилган матнлар билан бирлаштирувчи шахс вазифасини бажариб, у ўзини асосида инвариантли олам образларининг янги маънолари ётган адабий трансматнлик вазиятини теран тушунадиган ва юзага келтирадиган маданият вакили ҳамда ўқувчи сифатида намоён қилади.

Д.Худойберганова ўзининг “Матннинг антропоцентрик тадқиқи” номли монографиясида шундай ёзади: “Ўзбек ёзувчилари томонидан яратилган насрий асарларда тасаввурга асосланган матнлар ўзига хос ўрин тутади. Тасаввурга асосланган матнларнинг мазмуний тузилишини тадқиқ

этиш натижасида шуни айтиш мумкинки, ижодкорлар тасаввур асосидаги матнни яратишда асосан қуйидаги коммуникатив стратегияларни қўллайди:

1. Матнда бирор воқеа-ҳодисанинг сабаби изоҳланади.
2. Матн тузувчи муайян рухий ҳолатни аниқроқ ифодалаш мақсадида тасаввурдан фойдаланади.

Тасаввурга асосланган матнларга хос яна бир хусусият шундан иборатки, уларда мавҳум тушунчалар шахсга хос белгилар асосида жонлантирилиб тасвирланади. Тасаввур асосида яратилган матнлар идроки ўқувчининг онгида ҳам тасаввур жараёни бўлиб ўтишини тақозо қилади” [9;113–116]. Тадқиқотчининг ушбу илмий мулоҳазаларига таянган ҳолда, Баҳодир Қобулнинг “Ота чироқ” ҳикоясини интерматнлик яратиш орқали тарихий-маданий хотиранинг қайта тикланиши жиҳатларидан таҳлил қиламиз. Бадиий матнларнинг культурологик таҳлилида бадиий асар сарлавҳасига катта эътибор қаратилади, чунки бу нафақат матннинг бирламчи тақдироти, балки ижтимоий-маданий контекстда бир қатор муҳим вазифаларни бажарувчи муаллифнинг ўзига хос талқинидир. Сарлавҳа сифатида интертекст матнлардан фойдаланиш унинг матн мазмунини ўзида ифодалаш, эмоционал-экспрессив имкониятлари ярқ этиб кўзга ташланиш имконини оширади [10;20]. Ҳикояда ота чироқ – аجدодлар чироғини ёқиш – аجدодлар хотирасини сақлаш мавзуси хотирлаш мотиви воситасида оловнинг шахсга хос белгилар асосида жонлантирилган тасвири орқали талқин этилади: “Қари Олов ғор кунжигида тикилар экан, бордан кам, йўқдан кўра кифоя гуноҳни бўйнига олиб, алами ичида тошқотган одамдек ютиниб, кўргуликлар битта қўймай қоқиб олган тишсиз, ташландиқ ўрадай ўпирилган беўхшов оғзини тилини чиқариб артган, тозалаган бўлди-да, чўғи пасайган кўзларини бамайлихотир юмди. Хотир майлича, хотир истагича, хотир изнича, хотир хоҳишича юмди. Дард улғайди. Хотир ғами улғайгандан улғайди” [4;189]. Аждодларимиз жонли ва муқаддас санаган олов образининг хотирлари воситасида ёзувчи халқимиз тарихи, маданиятининг қадим замонлардан бугунга қадар манзараларини тасвирлар экан, муаллиф

яратаётган матн бошқа кўплаб матнлар билан диалогга киришиб, кенг кўламли полифоник майдонни ҳосил қилади. “Каттатоғ ва Самарқанд кўрганини ҳеч биров кўрмаган. Шаҳар неча бор харобага айланганини, на эркагу на аёл, на соғу на хиёл, на дарвешу на девона Шох Жугузнинг: “Бор эдим Нуҳ вақтида, йўқ этмади тўфони ҳам... Тегма эранлар итига, бир бошига минг бош кетар”, деганча хувиллаган кўчаларда ўзига ўзи гапириб, ху-хулаб асрлар санаган вақти, бесалом, беҳабарлар касрига қолган, бузуқилик даврони неча бор қайталанганини, қатордагини бари мард бўлмаслигини биров билмаса-да, ўзи кўрган. Совуқдан поча қоқаётган Шохга иссиқ бўлсин деб, моғорасига чўғ ташлаб кетиб, қаландарни тентакдек тентиратган, суюнтирган кунларниям тилини бир чиқариб эслади. Ўзи шунақа олов зоти сал ўнгланса, хурсанд бўлса ҳайратини яшира олмаган ёш боладай тилини бир чиқариб олади” [4;191]. Матннинг бу парчасида шоир ва мутафаккир Машрабнинг “сиғмадим” радибли ғазалидан мисра тўлиғича келтирилади. Машраб ижодидан хабардор ўқувчи учун ушбу мисра билан бошланувчи байтни тиклаш муаммо бўлмайди:

*Бор эдим Нуҳ вақтида, гарқ этмади тўфони ҳам,
Ҳамраҳи Мусо бўлуб Тури Синонга сиғмадим.*

“Совуқдан поча қоқаётган Шох” жумласи ҳам шох Машрабга аллюзия.

“Бадий матнда интертекст сифатида муқаддас китоблардан парчалар, афсона, ривоят, ҳадис, афоризмлар, бошқа бир ёзувчининг асаридан парча, мақол, матал кабилар кенг қўлланади. Интертекстлар ўз навбатида, миллий ментал хусусиятларга эга бўлади. Бадий матн муаллифи кўпроқ интертекст сифатида халқ ичида машҳур бўлган асардан парча ёхуд халқнинг миллий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда фольклор намуналаридан фойдаланади. Интертекст сифатида берилган матн ёки унинг парчаси аллақачон ўқувчининг лисоний хотирасидан ўрин олган бўлади” [10;14].

Топоним замон ва маконга оид лисоний муҳит доирасида воқеланади ҳамда матнни, объектив воқеликни ўзаро боғлайди. Интерматнда топонимлар ўз ва кўчма маъноларда қўлланиши ҳамда рамзлар вазифасини бажариши ҳам

мумкин. Муаллиф жонлантирилган шамол образи воситасида Самарқанд шаҳри улуғ тарихининг энг шавкатли даврларини, улуғвор манзарасини тасвирлайди: “Таниш шамол сочи тўзиб, туртиниб-суртиниб аввал Турк Афросиёб ўтган кўчаларни тусмоллаб югурди. Ҳар бир пасту-баландга пешонасини уриб кўрди. Кўксини қакратиб, бошидан тупроқ сочди. Отасини кўз олдида туюксиндан ер ютган боладек изиллади. Ўзини ўнглаб, барча улуғлар улуғи, Ғарбу Шарқ чакмоғи Ҳиндистонни олиб қайтгандагидек, бошлаб Ҳазрат Шоҳни тавоф қилди. Туман оқ хонақосида нафасини ростлади. Боғи Чинор сари жўнади, ундан Боғи Беҳиштга қараб кетди. Боғи Баландга келиб қўнди. Катта эналар қўними–Ишратхона мазоротида йиғлагиси келди. Кўксарой, Бўстонсаройни ўраган Тошқўрғонда тош қотди” [4;191].

Интерматнлик матн доирасида у ёки бу лисоний маркерлар воситасида воқеланадиган категория бўлиб, топонимлар – географик жой номлари, тил соҳибининг идрок этиш жараёни ҳамда унинг оламни когнитив ва миллий манзарасида сақланиши билан боғлиқ тарихий ва маданий мазмунли лисоний бирликларни ҳам шундай интерматнлик маркерлари ҳисоблаш мумкин. Топоним у ёки бу халқ маданий хотирасини сақлаш, узатиш воситасидир. Ҳикоя матнида келтирилган шамолнинг Ҳазрат Шоҳни тавоф қилиши ўқувчини илк ўрта асрлар меъморий ёдгорлиги томон етаклайди: “Шоҳи зинда” масжиди Самарқанд шаҳрининг энг тарихий обидаларидан бўлган “Шоҳи зинда” меъморий мажмуаси таркибидаги жомедир. Шарқ меъморчилик санъатининг дурдонаси, тарихий обидалар гултожи бўлган “Шоҳи зинда” мажмуасида 40 дан ортиқ мақбаралар мавжуд. Юқори қисм мақбаралари Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари томонидан XIV аср ва XV асрнинг бошларида барпо қилинган. Пастки қисм мақбаралари асосан Соҳибқирон набиралари Улуғбек Муҳаммад Мирзо томонидан XV асрда қурилган. Масжид-мажмуа – “Шоҳи зинда” (Қусам ибн Аббос) номи билан номланган. Бу зот Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг амакизодалари, хулқлари ва шакл-шамойил жиҳатдан у зотга жуда ўхшаган қариндошларидир. Ҳазрати Қусам ибн Аббосни “Шоҳи зинда” (“Тирик шоҳ”)

деб аташади [12]. Топонимлар маълум бир миллий уюшманинг маданияти, стереотиплари, қадриятларини акс эттирувчи миллий хусусиятли белгилар сифатида ҳаётий когнитив маконни қуришга ҳам хизмат қилади. Интерматнга нисбатан олинганда контекст доирасида ёдга олинган топонимларда ўқувчи онгида ассоциатив алоқалар юзага келиб, улар маъно сатҳида жамланади ва матнда нафақат номлаш, балки ахборотий, экспрессив, баҳоловчи вазифаларни ҳам бажаради: “Боғи Чинор”, “Боғи Беҳишт” – Соҳибқирон Амир Темур боғлари; “Кўксарой, Бўстонсарой” – Амир Темур саройлари. “Ишратхона” – меъморчилик ёдгорлиги. Бундан ташқари биз ҳикоя матнида интерматн вазифасини бажарадиган Тошқўрғон, Шердор мадрасаси, Жонмард қассоб мазори, Регистон, Арки Олий, Рим, Венеция, Ватикан, Ўсман ота зиёратгоҳи, Дунётепа ёдгорлиги, Суғд дарёси, Зарафшон дарёси, Сиёб ариғи, Москов, Шунқор, Ойқор, Муғ тоғлари, Алиобод қишлоғи, Ҳирий, Ҳазрати Хизр қудуғи каби кўплаб интерматн яратувчи топонимларни учратамиз.

Баҳодир Қобул ўз асарида зикр этган прецедент бирлик “Турк Афросиёб” тарихий ном сифатида интерматн бўлиб хизмат қилади. Ҳикояда интерматнни ифодалаш шакллари турличадир. Прецедентли номларга катта вазифа юкланган. Прецедентлик ҳодисаси интерматнликнинг турларидан бири сифатида ҳам муайян этноснинг, ҳам алоҳида шахснинг маданий қадриятлари тизимини намоён қилади. Улар инсон онгида турмушнинг муҳим маънавий ва моддий қисмларини акс эттиради. Ёзувчи қўллаган атоқли отлар миллий аҳамиятли номлардир: “Турон ҳудудида яшаган прототурк халқлар кучли бир ҳукмдорга эҳтиёж сезган. Тарихий манбаларда турлича номлар билан аталган, бироқ турк тилининг турли лаҳжаларида гаплашган чорвадор аҳоли, яъни кўҳна турк қавмлари ягона давлат ва кучли доҳийга муҳтож бўлган. Айнан кўчманчи чорвадор аҳоли ўртасида Алп Эр Тўнга, ўтроқ деҳқончилик воҳалари аҳолиси ўртасида Афросиёб номи билан машҳур бўлган шахс ана шундай мустақил Турон давлатига асос солди ва унинг биринчи қоони (хоқони) бўлди” [13]. Таҳлил қилинаётган ҳикоя

матнида биз Одам Ато, Момо Ҳаво, Онакут-Анахит, Зардўшт каби мифологик номларни; Ромул, Антиох, Каракалла, Эзоп, Искандар, Микеланжело Буонарроти, Энштейн, Борн сингари Ғарб маданиятига хос прецедентли атоқли отларни; Ҳазрати Дониёр, Мискин ота, Ўснат ота номларини; Беруний, Ибн Сино, Ҳамадоний, Чингиз, Тўхтамиш, Алишербек, Шох Бобур, Султон Бойқаро, Ижил султон, Саид Ваққос, Суюртғатмиш, Муҳаммад Хавофий, Қозизода Румий, Абдулатиф каби халқимизнинг тарихи ва маданиятида муҳим ўрин тутган атоқли отларни алоҳида кўрсатиб ўтишимиз лозим. “Прецедентли бирликлар ичида прецедент номлар алоҳида ўрин тутди. Айтиш жоизки, бу ҳодиса мумтоз адабиётииздаги талмех санъати – машҳур шахслар номини келтириш орқали бирор воқеага ишора қилиш ҳодисасига жуда ўхшайди” [9;90]. Прецедентли номлар ҳисобига ўзида улкан ахборот захирасини сақлайдиган кенг тарихий, географик, маданий контекстни ҳосил қилади. “Ота чироқ” ҳикоясининг матнида тарихий номлари тўғридан-тўғри келтирилмаган, балки ўқувчининг тарихий-маданий билимига, тажрибасига ҳавола қилинган яширин ишораларни кўрамиз: “Эски ва янги мурдалар ҳиди қўшилишиб, уйқашиб-суйкашиб сузиб юрадиган, таппонига қараб тўғри сўздан тонмайдиган фоҳишалар макони Венецияга аввалига авраб чақирилган ва саккиз йиллик тутқунликда ушланиб, айтганидан қайтмаган, кейин Римнинг Гуллар майдонида ёқилган гулхан устига тикилган бандини икки ямлаб бир ютган олов, орадан минг йил ўтиб ҳам ўчмаган бўлса-да, ўшанда ундан сачраган учқунлар зум ўтмай шамолларга қўшилиб ер шарини аллақачон кезиб чиққан, Қуёш атрофида айланувчи сайёраларга хабар бериб улгурганди. Этагидаги кулни қоққан учқун ҳаёлини йиғиб олгани бир зум осмонга тикилди. Атрофни ўраган кардинал, аббат, викарий, епископлар оралаб ўтди. Юлдузлар йўл кўрсатдилар, ёқасини ўйнаган эпкин кўнглини кўтарган бўлди. Текин томошага ўч оломондан узоқлашар экан, тириклай ёқилган юзлаб одамлар руҳлари изғиётган майдон четидаги яйдоқ эшакка кўзи тушди” [4.195]. Ушбу парчадан юқорида айтилган билимларга эга ўқувчи сўз ўрта асрлар диний

догмаларига зид дунёқараши сабабли гулханда ёқилган итальян олими Жордано Бруно ҳақида эканлигини англайди. “Катта Отаси дунёни олгани ва қайта бошдан қурганини, невараси осмонларни сўраганлигини, олганлигини кимирлаган дўсту-душман тан олганлигини, нима бўлгандаям Катта Оталарга муносиб бўлганлигидан, булутларни от қилиб минган, осмон билан гаплашган, чакмоқ билан бекинмачоқ ўйнаган, оймомо билан қувалашган, юлдузлар уйигача кузатиб, қўшилишиб уйигача кирган боладай ғурурланди” [4;213]. Матннинг мазкур парчасида зикр этилган Катта Ота – Соҳибқирон Амир Темур сиймосининг кодлаштирилган номи эканлигини тушуниш қийин эмас. “Осмонни сўраган невараси” эса шоҳ ва олим Мирзо Улуғбекка аллюзиядир.

Мақол ва маталлардан оғзаки ёки ёзма нутқда фойдаланиш риторик мақсадга эришиш учун интерматнли ҳаволанинг муайян стратегиясини қўллаш демак. Мақоллар кенг тарқалган муаллифи номаълум, тугалланган анъанавий фикрлар, маталлар эса улардан тугалланмаганлиги билан фарқланади. Мақол ва маталлар лингвомиллий (ва умуминсоний) маданий маконга мансуб бўлиб, моҳиятан интерматнлик бирликларидир: “Мақолларнинг бадийий матн сарлавҳаси сифатида қўлланиши ҳам интертекстуалликни юзага келтиради. Мақоллардан келиб чиқдиган образли мазмун бадийий матнда ифодаланадиган асосий фикр-ғояни яхлит ҳолатда ўзида мужассамлайди” [7;118]. Мисол учун “Ота чироқ” ҳикояси матнида муаллифнинг маданий меросимиздан мустаҳкам ўрин эгаллаган қуйидаги мақол ва маталлардан унумли фойдаланганини кўрамиз: “Тошканни донини еган чумчуқ Маккадан, Самарқанни кўрган жаннатдан”, “Пўстакни йиртиғини кўз демайдилар”, “Итдан бир суяк қарз”, “Ётган ёвга ёқар”, “Ковланмаган чўғ кул остида қолиб кетаверади”, “Қўри пастдан тутантирик олмайдилар” ва бошқа намуналар.

Реминисценция деганда ҳам насрий, ҳам назмий “ўзга” адабий матн парчаларидан ўзгартирилган ва ўзгартирмасдан ўз матнини яратишда фойдаланишни тушунамиз. Реминисценциянинг қуйидаги вазифаларини

алоҳида кўрсатиш мумкин: 1) даврнинг тарихий муҳитини яратмоқ; 2) замонанинг муҳим сиёсий ва ижтимоий муаммоларини ёритмоқ; 3) маданий-тарихий хотирани тикламоқ; 4) ҳаётий ҳаққоний воқелик билан бир қаторда маданият олами воқелигининг мавжудлигини исботламоқ, унинг яхлитлиги ва ички қонуниятларини намоён қилмоқ; 5) маданият ва инсоннинг ўзида ҳам ўз ижодий имкониятларини кашф этмоқ. Баҳодир Қобул “Ота чироқ” асари матнида фойланган реминисценцияларга олдин яратилган матнлардан тўғридан-тўғри келтирилган парча сифатида “Китобда ёзиқ. Ёзиқни адоғи кўринмайди:

Элим будун эрди,

Элим энди қани?

Ботирли будун эрди,

Ботирлари қани?...

Али Эр Тўнга ўлдиму?... [4;205]

шеърӣ матнини келтиришимиз мумкин. бу парча шоир Хуршид Давроннинг “Ўрхун–Энасой тошлари” номли шеъридан олинган бўлиб, улуғ туркий аждодларимиз маданий хотирасини тиклаш мақсадида қўланилган:

“Энди бу тошларга ўйиқ саволлар

Бизни ўртаётир – совир дил қони:

“Элим будун эрди,

Элим энди қани?

Ботирли будун эрди,

Ботирлари қани?.. ”[14].

Муаллифнинг асар матнининг мазмунини чуқурлаштириш мақсадида фойдаланган реминисценция ҳодисасига яна бир мисол: “Тўнғичига Кун, ўртанчасига Ой, кенжасига Юлдуз отини қўйганини, эргашган, избосар инилари Кўк, Тоғ, Тенгиз аталган вақту соатни-да аниқ эслади. Уларга аталган қўшиқларниям:

Кун, Ой, Юлдуз!

Тонг сари сенлар боринг,

Кўк, Тоғ, Тенгиз!

Тун сари сенлар боринг!

Кўк – кўрғон, Қуёш – туғ бўлган даврлар шамоли ёди, хаёллар жамоли кумсови, ўйлар оҳанги шамойили эсдан оғдиради” [4;209].

Ушбу реминисценция “Ўғузнама” қадимий битигининг 8–10-кўшиқларининг ўзгартириб, ҳикоя матнига киритилган шаклидир:

“VIII

1. Унинг билан ётди-тилагига етди (қиз) ҳомиладор бўлди.
2. Кунлар ўтиб, тунлар ўтиб кўзи ёриди.
3. Уч ўғил бола туғди.
4. Биринчисига Кун деб от қўйдилар.
5. Иккинчисига Ой деб от қўйдилар.
6. Учунчисига Юлдуз деб от қўйдилар.
7. Яна бир куни Ўғуз қоғон овга кетди.
8. Бир ўтлоқ орасида дарахтни кўрди.
9. Бу ёғочнинг қавагида бир қиз бўлиб” [11;14].

“XX

- “1. Уни севиб қолди, олди. У билан ётди.
2. Тилагига етди. Болага (қиз) ҳомиладор бўлди.
3. Кунлар, тунлар ўтиб, сўнг кўзи ёриди.
4. Уч ўғил бола туғди.
5. Биринчисига Кўк деб от қўйишди.
6. Иккинчисига Тоғ деб от қўйишди.
7. Учунчисига Тенгиз деб от қўйишди.
8. Шундан сўнг Ўғуз қоғон катта тўй берди.
9. Элу юртга ёрлик юбориб кенгашдилар” [11;15].

“Бадиий матнларда куп учрайдиган интерматнлардан бири бу – шеър ва кўшиқ парчаларидир. Улар қаҳрамон ички кечинмаларини ойдинлаштиришда, руҳиятидаги ўзгаришларни кўрсатишда ёзувчининг бадиий нияти ифодасининг янда тиниқлашишида алоҳида эстетик қимматга

эга” [7;127]. Тарихий давр муҳитини қайта тиклаш учун асар матнига ўша даврлар руҳиятини берадиган хос тушунчалар, номлар, сўзлар киритилади: “Капеллада “Ёруғликнинг Тундан ажралиши”, Қуёш ва Ой; дарё ва гиёҳлар; Одам Ато, Момо Ҳавонинг яратилишлари, “Туноҳкор инсоннинг кўчиши”, “Нух қурбонлиги”, “Катта тошқин” суратлари ёлқинлари билан аввал кўшилишиб, кейин айрилишди. Каракалла тепалиги теввасига чордона қуриб узок ўтирди. Орадан юз йилликлар ўтиб, ўзига қўйилган сағанадаги ёзиқларни овоз чиқариб ўқиди. “Ўша жойда, қаерким, гулхан ёқилган жойда, олдиндан қўрилган юзйилликлардан” [4;195]. Мазкур матн парчасида муаллиф Ватикандаги машҳур черков борасида сўз юритади. Сикстин капелласи Ватикандаги Европа Уйғониш даврининг меъморчилик ва санъат ёдгорлиги. 1508–1512-йилларда Рим папаси Юлий II буюртмасига кўра Микеланжело Буонарроти томонидан инжилий мавзудаги суратлар билан безатилган. Келтирилган матн парчасида рассом томонидан яратилган суратлар номлари санаб ўтилмоқда. Каракалла – Рим императори, асли исми Марк Аврелий Антонин.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, интерматн бу – нафақат ўтмиш тажрибасининг бугунга кўчирилиши, балки ўтмиш тажрибасининг бугун орқали қайта англашилишидир. Тадқиқотчилар интерматнни маданиятни яратувчи муҳим омил, маданий ва лисоний дискурсни яратувчи восита деб ҳисоблашади. Адабиётда бадиий воқелик ёзувчи дунёқарашининг акси ва унинг маънавий оламининг ифодасига айланади. Адабий ижоддаги маънавиятсиз асарни унинг яхлитлигида таҳлил қилиб бўлмайди, чунки адабиётда одоб-ахлоққа оид муаммолар қадриятларнинг маънавий шкаласини белгилайди. Фалсафа, тарих, тилшунослик, адабиётшунослик назариялари бир умумий хулосага келади: маданият манбаларининг асоси инсоннинг фикрлаш фаолиятида ётади. Маданий хотира ҳам алоҳида шахснинг, ҳам умуман жамият ҳаётининг узвий қисмидир. Ўтмиш билан ҳозирни ўзаро боғлар экан, маданий хотира жамоавий ва шахсий ўзига хосликни шакллантириш ҳамда сақлашнинг муҳим воситаси вазифасини

бажаради. Ўзи мансуб бўлган кишилар онгидан ўрин олиб, маданий хотира турли ижтимоий амалиётлар ва мерос шаклларида, шу жумладан адабий ижодда сақланади. Интерматнлик маданий хотирани сақлаш ва келгуси авлодларга узатишнинг универсал механизмларидир. Ҳар қандай адабий асар маълум тарихий-маданий контекстда яратилиб, ўз замонининг қадриятлар тизимини акс эттиради, маданий анъаналарни сақлайди ва маълум адабий манбаларга таянади. Бизнингча, интерматнлик, аввало, турли маданий-тарихий даврларга мансуб матнлар ўзаро алоқасининг шакли, маданий хотирани сақлаш универсал механизми ва миллат маданий кодини, унинг маданий анъаналарини намоён қилувчидир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Арнольд И.В. Семантика. Стилистика. Интертекстуальность: сборник статей. – СПб.: Изд-во С.-Петербур. ун-та, 1999. – 444 с.
2. Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека. – Москва: Языки русской культуры, 1998. – 896 с.
3. Барт Р. Избранные работы. Семиотика. Поэтика /Сост. общ. ред. и вст. ст. Г.К. Косикова. – Москва: Прогресс, 1989. – 616 с.
4. Баҳодир, Қобул. Отачироқ. Битиклар. – Тошкент: MASHHUR-PRESS, 2021. – 656 б.
5. Безруков А.Н. Поэтика интертекстуальности: Учебное пособие. – Бирск: Бирск. гос. соц.-пед. академия, 2005. – 70 с.
6. Денисова Г.В. В мире интертекста: Язык, память, перевод. – Москва, 2003.
7. Йўлдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси. – Тошкент: ФАН, 2008. – 161 б.
8. Крестева Ю. Семиотика: исследования по семанализу / пер. с фр. Э. А. Орловой. – Москва: Академический Проект, 2013. – 285 с.
9. Худойберганава Д. Матннинг антропоцентриқ тадқиқи. – Тошкент: ФАН, 2013. – 136 б.

10. Хомидова М.Ф. Бадий матн перцепциясида интертекстуаллик/ фил.ф.ф.д. диссер...автореферати. – Тошкент, 2021. – 54 б.
11. Ўғузнома /Нашрга тайёрловчи Бахтиёр Исабек. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007.
12. <https://oliymahad.uz/41220> (кириш вақти 03.01.2024)
13. <https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/tarix/a-ramon-razhabov-alp-er-t-nga-turon-kho-oni>(кириш вақти 04.01.2024)
14. <https://kh-davron.uz>(кириш вақти 04.01.2024)